БУТУН БУХОРО ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ ҚУРУЛТОЙЛАРИ ТАРИХИДАН (1920-1924 Й.Й)

Х. Мўминов

В статье даны сведения о деятельности Всебухарских курултаев народных представителей (Всебухарский съезд Советов народных депутатов), определивших основные вехи социально-экономического и культурного развития Бухарской Народной Советской Республики с 1920 года до 1924 года.

In this article analysed activity of congress of people representatives of All Bukhara which has played great role in the life of political, social, economical of Bukhara People Soviet Republic since 1920 till 1924 years.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритиб, янги тарихий даврга қадам қўйди. Ўтиш даврида илм-фан соҳасига катта эътибор берилиб, тарихий ҳақиқатни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва бунинг учун барча имкониятлар яратилди. Хусусан, Ўзбекистон тарихини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар кенг йўлга қўйилиб, кўплаб амалий тадбирлар амалга оширилди ва бу жараён ҳозирда ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. Ўтмишда мавжуд бўлган мафкурага барҳам берилиб, юртимизнинг бой маънавияти ва тарихи миллий истиқлол ғояси асосида янгича талқинлар билан ёритила бошланди.

Бухоро Ўзбекистоннинг қадимий ўлкалардан бири бўлиб, унинг бой ўтмиш тарихи Ўзбекистон тарихининг ажралмас таркибий қисмидир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, 1920-1924 йилларда Бухоронинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётида Бутун Бухоро халқ вакиллари қурултойлари муҳим аҳамият касб этган. 1920 йилнинг сентябрь ойида Бухорода амирлик тузуми совет армияси томонидан ағдарилиб ташлангач, унинг заминида Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топган. Амирликда монархия ағдарилиб, унинг ўрнига давлат бошқарувининг республика шакли қарор топади. БХСРда демократик республика тузумини барпо этиш ва шакллантиришда Бутун Бухоро халқ вакиллари қурултойлари ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга бўлди.

БХСР давлат бошқаруви тизимида сиёсий ҳокимият учун мавжуд кучлар ўртасида рақобат авж олган бир пайтда Бутун Бухоро халқ вакиллари қурултойлари ўз фаолияти билан ажралиб турди. Бу қурултойлар Бухоро коммунистик партия съездларидан фарқ қилиб, республиканинг олий ҳокимият органи сифатида мамлакатдаги бутун давлат бошқарувини олиб борган. 1920 йил 6 октябрида Бухоро амирининг ёзги саройи Ситораи Моҳи Хосада Бутун Бухоро халқ вакилларининг I қурултойи иш бошлади ва унда 1960 та делегат қатнашган [1;328]. Қурултой Бухорони Халқ Совет Республикаси (БХСР) деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу давлат тузуми жиҳатидан халқ демократик республикаси эди. Қурултойнинг охирги иш куни, яъни 8 октябрида қурултой давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи бўлган Бухоро Инқилобий Қўмитаси ва Халқ Нозирлари Советининг таркибини тасдиқлади. Уларнинг ваколат муддати республика Конституциясининг қабул қилиниши ва II Бутун Бухоро қурултойининг чақирилишигача узайтирилган [2;215].

Бутун Бухоро халқ вакилларининг II қурултойи 1921 йилнинг 18-23 сентябрда бўлиб ўтди. Биринчи мажлисда қурултой ўзининг 21 депутатдан иборат президиумини сайлади. Кун тартиби муҳокамасига қуйидаги масалалар қўйилган: мавжуд ҳолат бўйича доклад, ҳукумат ҳисоботи, ҳарбий масала, иқтисодий сиёсат ҳақида доклад, БХСР Конституциясини қабул қилиш, мудофаа билан боғлиқ масала, жойлардан ҳисоботлар, Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитасини (МИҚ) сайлаш ва бошқалар [3;553].

Ушбу қурултойда Бухоро Халқ Совет Республикасининг биринчи Конституцияси (1921 йил 21 сентябрь) қабул қилди [4;270]. Демократик руҳда қабул қилинган бу

конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан мустаҳкамлаб, хусусий мулк шакли сақланиб қолинди. Конституцияга кўра, БХСРнинг олий ҳокимият органи - Бутун Бухоро халқ вакиллари қурултойи (Бутун Бухоро халқ депутатларининг Совет съездлари) ҳисобланган. У (вилоят қурултойларидан сайланган) ҳар 2000 сайловчига бир вакил сайланадиган 350 аъзодан иборат эди. Қурултой йилига бир марта чақирилиб, унда республика конституциясини қабул қилиш ва ўзгартириш, уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш ва тинчлик шартномасини тасдиқлаш, давлат ҳудудини белгилаш ва ўзгартириш, ички ва халқаро заёмлар, божхона ва савдо шартномаларини тузиш, умумдавлат хўжалик режаларини белгилаш, давлат бюджетини тасдиқлаш, пул чиқариш ва солиқларни таъсис этиш шу каби давлат аҳамияти даражасидаги масалаларни муҳокама қилган. Қурултойлар оралиғида республикадаги олий қонун чиқарувчи ва бошқарув органи сифатида Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси (Бутун Бухоро МИК) фаолият кўрсатган.

1921 йил 23 сентябрь Бутун Бухоро халқ вакилларининг II қурултойида 85 кишидан иборат бўлган Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитасини сайлади [5;146-147]. Қурултойда Бутун Бухоро МИҚ раиси қилиб Усмонхўжа Пўлатхўжаев сайланди (1922 йил августда бўлган III қурултойда бу лавозимни Порсо Хўжаев эгаллади). Конституцияга биноан, Халқ Нозирлар Совети давлат ҳокимиятини ижро қилувчи ва бошқарувчи олий органи сифатидаги ўз вазифасини сақлаб қолди. Ҳукумат 10 нозирликдан иборат бўлиши кўрсатилган[6;196].

1922 йил 15-18 август кунлари Бутун Бухоро халқ вакилларининг III қурултойи бўлиб ўтди. Унинг кун тартиби қуйидаги масалалардан иборат бўлган: мавжуд ҳолат тўғрисида ахборот, Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитасининг ҳисобот доклади, Халқ Нозирлар Советининг ахбороти, янги иқтисодий сиёсат, бюджет, банк, «қизил армия», ер масаласи, БХСР Конституциясига ўзгартиришлар киритиш, Шарқий Бухорога комиссияни жўнатиш, БХСРни тузиш ва мустаҳкамлашда ўзининг хизматлари билан иштирок этган қатор шахсларни мукофатлаш ҳақидаги ҳамда Бутун Бухоро МИҚ сайлаш масаласи муҳокамага қўйилган. Шунингдек, қурултой депутатларининг таклифларига кўра милиция ва бино таъминоти билан боғлиқ масалалар ҳам кун таркибига киритилган[7;14].

Қурултойда давлат тараққиёти учун муҳим бўлган масалалардан бири Конституцияга ўзгартириш киритилди. БХСР Конституциясига 7 та ўзгартириш киритилди. Унга кўра халқ нозирларининг сони 9 тадан 6 тагача қисқартирилди, давлат назорати ва соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот халқ нозирликлари тугатилди. Уч молия, иқтисод (савдо-сотиқ ва саноат) ва ер халқ нозирлигининг бирлаштирилиши йўли билан - Олий Халқ Хўжалик Совети тузилган [8;116].

1923 йил 11-17 октябрь кунлари Бутун Бухоро халқ вакилларининг IV қурултойи Эски Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди [2;359]. Кун тартибига кўра Бухоро Марказий Ижроия Қўмитасининг доклади, Фавқулодда комиссия доклади, Халқ Нозирлар Советининг доклади, туркман ва қирғиз масалалари, Шарқий Бухоро ҳақида маълумот, ҳарбий ишлар бўйича доклад, давлат бошқаруви бўйича ахборотлар, Бухоро Марказий Ижроия Қўмитасини сайлаш, шунингдек, бюджет, вақф, халқ маорифи, солиқлар, қишлоқ хўжалик банклари ва корперация масалалари ҳам кўриб чиқилган[9;3].

БХСР IV қурултойида Олий Халқ Хўжалик Совети тугатилиб, молия, иқтисод ва ер халқ назирлиги қайта тиклаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Шунингдек, БХСР Конституциясига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қарор тасдиқланди. Унга кўра, барча савдогар, мулк эгалари ва собиқ амалдорлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Ишчи, деҳқон ва бошқаларнинг сайлов ҳуқуқи кенгайтирди. Шунингдек, курултойда «Совет қурилиши тўғрисида» махсус қарор қабул қилинди [10;162-164]. Бу эса жамиятдаги ижтимоий беқарорликни кучайтирди. Сиёсий жараёнлар кенг авж олиб борди. Бухорода олиб борилаётган демократик ислоҳотлар чеклана бошлади. Яъни, БХСР демократия

йўлидан тобора узоқлашиб, марказнинг сунъий равишда киритаётган социалистик қайта қуришларни амалга ошира бошлади.

1924 йил 18-20 сентябрь кунлари БХСР V қурултойи Эски Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди. Кун тартибига кўра, Бухоро МИК ва Халқ Нозирлар Советининг ҳисобот доклади, миллий ҳудудий чегараланиши масаласи, БХСРни социалистик республикага айлантириш масалалари муҳокама қилинган [11;46]. Қурултойда Файзулла Хўжаев ҳукуматнинг фаолияти бўйича ҳисобот беради ва Ўрта Осиёнинг миллий белги бўйича чегараланиши тўғрисида маъруза қилди. Қурултой 19 сентябрда БХСРни Бухоро Совет Социалистик Республикасига (БССР) айлантириш ҳақидаги қарорни қабул қилди[12;104]. БССРнинг тузилиши Бухоро тараққиётида демократия тамойилларини тугатилганлигини ва унинг ўрнига расмий равишда социализм йўли эгаллаганлигини англатар эди. 1924 йил 18 ноябрь Бухоро ССР Туркистон АССР ва Хоразм ССР МИКлари билан биргаликдаги қўшма қарори асосида ўз ваколатларини (Ф. Хўжаев раис) Ўзбекистон ССР Муваққат Инқилобий Комитетига топширдилар. Шу тариқа, Ўрта Осиёда ўтказилган миллий ҳудудий чегараланиш натижасида Бухоро ССР тугатилди ва унинг ҳудуди янги ташкил этилган республикаларнинг таркибига мажбуран кирди.

1920 йилнинг октябридан то 1924 йилнинг сентябри оралиғида Бутун Бухоро халқ вакиллари қурултойлари беш маротаба чақирилди. Қурултойларида республиканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига доир кўплаб муҳим масалаларни кўриб чиқилган бўлса-да, уларда муҳокама қилинган масалалар совет ҳукумати манфаатлари ҳимоя қилди.

Адабиётлар:

1. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости / Коллектив авт.: Р.М. Абдуллаев, С.С. Агзамходжаев, И.А. Алимов и др./. -Т.: Шарк, 2000

2. Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская Республика.- Т.:Узбекистан, 1969

3. Съезды Советов советских социалистических республик. Сборник документов (1917-1922 г.г). II том.- М.: Юридическая литература, 1960

4. ЎзР МДА 47-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғма жилд

5. История Советского государства и права Узбекистана / Отв. ред-ры: Х.С. Сулайманова, А.И. Ишанов./. I том.- Т.: Изд-во АН УзССР, 1960

6. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: (Очерклар) / Масъул муҳаррирлар: Д.А. Алимова, Э.В.Ртвеладзе.- Т.: Шарқ, 2001

7. ЎзР МДА 47-фонд, 1-рўйхат, 343-йиғма жилд

8. Ишанов А.И. Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.). Т., Изд-во АН УзССР, 1955

9. ЎзР МДА 48-фонд, 1-рўйхат, 211-йиғма жилд

10. ЎзР МДА 47-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғма жилд

11. Съезды Советов союзных и автономных советских социалистических республик Средней Азии. Сборник документов (1923-1937 г.г). VII том.- М.: Юридическая литература, 1965

12. Гордиенко А.А Создание народно-советского государства и права их революционно-преобразующая роль в Хорезме и Бухаре. Т.: Изд-во САГУ, 1959

Андижон Давлат университети,
2009 йил 7 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: профессор И.Алимов)